# 2024 йил ҳосили учун экилган ғўза майдонларида биринчи комплекс агротехник тадбирларини амалга оширишга киришилди.

Данғара туманида 2024 йил ҳосили учун экилган ғўза майдонларида биринчи комплекс агротехник тадбирларини амалга оширишга киришилди.
Истиқбол ММТП ҳудудидаги " Musavvar tex cluster " пахта-тўқимачилик кластери пахта майдонида жорий йилда  ғўза парваришида биринчи комплекс агротехник тадбирларини сифатли амалга оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда туман сектор раҳбарлари, пахтачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари  ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари иштирок этди.
Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари  Турсунов Алибек Мамирович иштирок этиб,  бугунги кунда ғўза парваришида биринчи навбатда олиб борилиши лозим бўлган долзарб саналган ғўза майдонларини культивациялаш, чуқур юмшатиш, майда чопиқ қилиш ва бошқа агротехник тадбирлар бўйича тавсиялар бериб ўтилди.

2024-04-26 19:07:02